

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Банк Уставига асосан Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган (электрон почта манзили - info@universalbank.uz.) **Акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк” Сизга 2023 йил 28 апрель куни соат 11-00 да Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар беради.**

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш учун банк акциядорлари реестри 2023 йил 6 апрель ҳолатига тузилган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга банк акциядорлари реестри 2023 йил 24 апрель ҳолатига тузилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Эълон қилинган акциялар сонини ошириш.
3. Банк уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.
4. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Йиғилиш қатнашчилари 2023 йил 28 апрель куни соат 10-00 дан 10-55 гача рўйхатга олинади. Акциядорлар ҳамда уларнинг вакиллари йиғилишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида қатнашади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар билан Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида танишишингиз мумкин.

Маълумот олиш учун Банкнинг Қимматли коғозлар ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар департаментига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99871) 200 – 11 – 10, ички рақам 1073.

Хурмат билан,

Бошқарув Раиси



А.А.Буваназаров



Бош банк
150700, Ўзбекистон Республикаси,
Қўқон ш. Шохрухобод кўчаси
E-mail: info@universalbank.uz
www.universalbank.uz

Bosh bank
150700, O'zbekiston Respublikasi,
Qo'qon sh. Shoxruxobod ko'chasi
E-mail: info@universalbank.uz
www.universalbank.uz

Тел.: +998 78 229 82 29
Факс: +998 73 542 05 78